O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
290901

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 13 сентябрь пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 189 (2751)

## Ислом Каримов асари грек тилида

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асари грек тилида чоп этилди.***

***Бугунги кунга қадар давлатимиз раҳбарининг дунёдаги кўплаб халқлар тилига таржима қилинган ушбу китоби айнан кўҳна Эллада — жаҳон цивилизацияси бешиги заминида, Суқрот, Аристотел ва Гомер тилида ҳам дунё юзини кўрди. Бу халқаро ҳамжамият олдида турган замонамизнинг умумбашарий муаммолари қай даражада долзарб ва кечиктириб бўлмаслигини яна бир маротаба ёрқин намойиш қилди.***

(Давоми 2-бетда).

## Амалий шиоримиз:

# ЭЛ УЧУН, ЮРТ УЧУН ЁНИБ ЯШАШ

***11 сентябрь куни ҳамманинг эътибори Самарқандга қаратилди. Бу ерда вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб, унда Президентимиз катта нутқ сўзлади. Ўша куни Ўзбекистон телевидениесининг кечки дастурида махсус кўрсатув берилди. Кеча барча газеталарда Президент нутқи босиб чиқарилди. Мазкур нутқ бутун мамлакатда акс-садо берди.***

*Сессия залидаги ўйлар*

## Аввало тафаккурни ўзгартирайлик

Самарқандда ўтказиладиган катта-кичик йиғинлар, нуфузли анжуманларнинг аксарида вилоятнинг бугунги салоҳияти, номи етти иқлимга кетган кўҳна шаҳарнинг дунё миқёсидаги эътирофи ҳақида сўз юритилади. Сўнгги ўн йил мобайнидаги ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб берилаётгани ҳақида гап боради. 11 сентябрь куни бўлиб ўтган вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам Самарқанднинг мамлакат тараққиётидаги салоҳиятининг янада ошиши нималарга боғлиқ экани, вилоятдаги бугунги иқтисодий ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маданий жабҳалардаги аҳвол таҳлил этилди. Унда мамлакатимиз Президенти И.Каримов Самарқанд қиёфаси ўзгариб бораётгани, ҳаётнинг барча соҳаларида замон талаб этаётган янгиланишларга юз тутилаётгани, ислоҳотларни жорий этиш билан муайян ишлар қилинаётганини алоҳида таъкидлаш билан бирга, кейинги уч йилда йўл қўйилган камчиликлар, хусусан, раҳбарлар масъулиятсизлиги, эътиборсизлиги, қатъиятсизлиги ҳақида фикр юритди.

Вилоятда саноат соҳасини ривожлантиришга етарли эътибор қаратилмаяпти. Шу йилнинг ўзида мавжуд 112 та саноат корхонасининг 28 тасида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига йўл қўйилган. Аксар корхоналарда маҳсулот таннархи юқори, сифати эса талаблар даражасида эмас. Ҳозирги кунда 14 миллиард сўмлик маҳсулотлар харидорини топмай омборларда чанг босиб ётибди. Шундай шароитда дўконлар пештахталари чет элдан валюта ҳисобига сотиб олинаётган пойабзаллар, кийим-кечаклар билан тўлдирилаяпти.

Савол туғилади: Самарқанддек шаҳри азимда бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган корхоналар йўқми?

Шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган пойабзал фабрикасини билмайдиганлар топилмаса керак. Унинг туманлардаги бир неча филиаллари фаолияти ҳам кўнгилдагидек эди. Фабрика акциядорлик жамиятига айлантирилиб, «Маҳси» номини олган кезлари ҳам дуппа-дуруст ишлаб турганди. Айниқса, ўша пайтлар тайёрланган болалар этикчалари, эркаклар туфлилари сифати ва бежиримлиги, арзонлиги билан харидорларни ўзига тортди. Режалар ҳам ,бир олам эди ўшанда. Маҳси ва яна бошқа миллий пойабзаллар ишлаб чиқариш мақсадида янги-янги ишларга қўл урилди.

Афсус, корхонанинг номию пешлавҳаси ўзгариши билан ижобий натижага эришилмади. Асбоб-ускуналарнинг эскириши, хомашё тақчиллиги натижасида корхонада ишлар тақатақ тўхтади. Бугун ана шундай йирик корхона бекор турибди. Вилоят раҳбарияти ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан бу борада ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилмади.

«8 Март» тикувчилик фабрикаси ҳам худди шундай ҳолда. «Алпомиш» «Кинап», «Лифтсозлик» каби йирик корхоналарда эса ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

**«Қачон биз ўзимизнинг ишлаб чиқариш қувватларимиз ва маҳаллий хомашё ҳисобидан, керак бўлса, хорижий сармояларни олиб келиб, улардан тўғри фойдаланиб, қўшма корхоналар ташкил этиб, энг муҳими, мана шу заминда яшаётган одамларни иш билан таъминлаб, зарур маҳсулотлар тайёрлашга ўрганамиз?»** деди Юртбошимиз сессияда. Сўнг у раҳбарлар локайдлиги одамларга қанчалик қимматга тушаётганини ачиниш билан гапирди.

Наҳот, Самарқандда пойабзал учун хомашё топилмаса? Қанчадан-қанча қорамол ва қўй-эчки териларининг сохта тадбиркорлар орқали хорижга олиб чиқиб кетилганидан тегишли идоралар бехабармикин? Бу соҳа билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари-чи?

Қисқаси, имкониятлар кўп. Ҳамма гап улардан фойдаланишда. Ҳамма гап раҳбарнинг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, тадбиркорлигида. Нега энди Самарқандда пойабзал ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этилмайди? Ёки бунинг учун ҳам «СамКочавто», «Самжинктекс» ва «ЎзБАТ» сингари замонавий қўшма корхоналарни ташкил этишдагидек Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори шартми? Бизда қуйидан кўтарилган ташаббус ҳамиша қўллаб-қувватланаяпти-ку!

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги аҳвол янада мураккаб. Пахта тайёрлаш борасида ҳали ўтган йилдагидек шармандали ҳол юз бермаганди. Давлатга пахта сотиш шартномавий режаси 68 фоиздан ошмади. Кейинги уч йилда мўлжалдагидан 100 минг тонна кам пахта тайёрланди.

Режаларнинг бажарилмагани, мақсадга эришилмаганини аксарий ҳолларда вилоятдагилар табиий қийинчиликлар, сув танқислиги билан боғлашади. Аслида ҳам шундайми? Ахир Хоразм шароити билан таққосланганда, Самарқандда сув танқис бўлди дейиш инсофсизлик эмасми? Бундай нуқсонлар сабаби вилоятда ислоҳотлар сустлиги, деҳқончилик маданиятининг пастлиги, деҳқонга эътибор камлиги, раҳбарларнинг қатъиятсизлиги, айнан амалдорлар томонидан ернинг талон-тарож этилишидан изланса, тўғрироқ бўларди.

Бултур Гўзалкент, Пайариқ, Иштихон туманларида 8 минг гектар майдондаги экинлар ҳисобдан яширилгани, 335 гектар пахта майдонига шоли экилганини мазкур туманларнинг мансабдор шахслари қандай изоҳлашар экан? Ерда нам етарли бўлмаган шароитда 1600 гектар майдондаги режасиз шолининг ҳисоботдан яширилганини қандай оқлаш мумкин?

Ғаллачиликдаги аҳвол ҳам яхши эмас. Икки йилдирки, бу борадаги режалар барбод бўлаяпти. Ўтган йили 16 та тумандан 6 тасидагина давлатга ғалла сотиш режаси бажарилди, холос. Тайёрланган ҳосил миқдори бир йил олдинги кўрсаткичга нисбатан 55 минг тоннага камайиб кетганлиги эса вилоятда бу тармоқ ўз ҳолига ташлаб қўйилганини англатади.

Қишлоқда мулкдорлар синфини яратиш, мулк шаклини ўзгартириш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кўп нарсани ҳал этади. Самарқандда эса бу борада амалга оширилаётган ишлар етарли эмас. Йил якунлари бўйича 267 та ширкат хўжалигидан бор-йўғи 56 тасида дивидендлар тўлангани, деҳқон ва фермерларга жуда кам миқдорда кредитлар ажратилаётгани фикримизнинг исботидир.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасидаги муаммолар ҳам ечимини топмаяпти. Рўйхатга олинган 22 мингта ўрта ва кичик корхоналар, микрофирмаларнинг 8 фоизигина фаолият кўрсатяпти. Агарда улардан тўлиқ фойдаланилганда эди, вилоятда иш билан банд бўлмаганлар сони кейинги йиллардагидек ошиб кетмаган бўларди.

Вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Қайта ишлаш саноати, кичик ва ўрта бизнесдаги мавжуд бундай имкониятлар мана ман деб турибди. Улардан бири «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларни кичик ҳажмли идишларда қадоқлашдир. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарига ажратилаётган кредит миқдорини кўпайтириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Сессияда барча соҳаларда тўпланиб қолган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида сўз юритилди. Табиий имкониятлардан барча жабҳаларда ўринли фойдаланиш, ислоҳотлар кўламини тезлаштириш, одамлар турмуш шароитини яхшилашда энг муҳим восита эканлиги айтилди.

Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, самарқандликларда мақсадга эришиш учун қатъият, билим ва тажриба етарли. Янги-янги ташаббуслар, интилишлар ҳам улар характерига хос. Сахий замин имкониятлари эса кенг. Демак, бундан англашиладики, барча соҳаларда жиддий ўзгаришлар бошланиб, Самарқанд салоҳияти, обрў-эътибори албатта ошади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Акс-садо*

## Инсофи борнинг...

***Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши сессиясидаги нутқи барча қатори мени ҳам чуқур ҳаяжонга солди. Юртбошимиз бир неча марта «Инсоф» сўзини тилга олдилар. Ҳақиқатан ҳам, ҳар жойда, ҳар соҳада инсофу адолат устун бўлгани маъқул. Энг хавфли жиҳати шундаки, инсоф билан инсофсизликнинг ораси атиги бир қадам. Ўша қалтис қадамни қўйдингизми, инсонийлик кўзгуси дарз кетади.***

***Ўша сессияда пахтачилигимиздаги аҳвол теран таҳлил этилди. Мен бир нарсани аниқ биламанки, эртаги пахта етиштирмасдан туриб бу борадаги юксак мақсадларга эришиб бўлмайди. Ширкат хўжалигимиз 100 гектар ўрнига 115 гектар ерда плёнка остига чигит эккан эди, ўша ерларни ижарага олган пудратчилар сентябрнинг бошида шартнома режасини бажардилар. Демак, «Андижон технологияси»нинг афзаллиги айни ҳақиқат экан-ку. Фақат плёнка остига чигитни ўз вақтида, оддий усулдан анча олдин экиш, агротехника талабларини бажариш керак, холос. Муҳтарам Президентимиз «Сендан ҳаракат — мендан баракат» деган ҳикматни эслатдилар. Чин дилдан ҳаракат қилсак, бир ёқадан бош чиқарсак, инсоф, инсоф ва яна бир бор инсоф билан иш кўрсак, кам бўлмаймиз! Негаки, инсофи борнинг ҳамиша баракаси бўлади.***

**Султонбой КАМОЛОВ,**
**Тўрткўл туманидаги**
**«Шўрахон» ширкат хўжалиги**
**раиси.**

## Америка Қўшма Штатлари Президенти Джорж Уолкер Буш Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Кўп минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган ғайриинсоний террористик акциялар Ўзбекистон халқини қаттиқ ғазаблантирди ва қалбларни чуқур ларзага солди.

Американинг барча халқига, Сизга, жаноб Президент, ваҳшиёна террорлик ҳаракати оқибатида қурбон бўлганларнинг оиласига чуқур ҳамдардлик изҳор қиламиз. Сизнинг мамлакатингиз учун оғир бўлган ушбу дамларда ҳалок бўлганларнинг хотираси олдида бош эгиб, Сиз ўз чиқишингизда қайд этганингиздек, Америка халқи «бу синовдан ҳам ўта олишига» биз комил ишонч изҳор этамиз.

Биз террористларнинг ваҳшиёна қилмишини қатъиян қоралаймиз ва айбдорларнинг топилиши ҳамда жазога тортилишига аминмиз.

Ушбу фожеали дамларда бу даҳшатли ёвузлик — терроризмга қарши курашда бизнинг куч-ғайратларимизни бирлаштириш муҳимлигини қайта ва қайта англаётирмиз. Ўзбекистон, муҳтарам Президент, бу умумий хавф-хатар билан курашишда Қўшма Штатлар билан бундан кейин ҳам фаол ҳамкорлик қилишда ўзининг қатъийлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Самимий ҳурмат билан,

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

*Тошкент шаҳри,*
*2001 йил 12 сентябрь.*

# МУСТАҚИЛЛИК ВА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎН ЙИЛИ

## Ислом Каримов — мустақил Ўзбекистон давлатчилиги тикланаётган даврнинг буюк йўлбошчиси

***Мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан шу йил июнь ойининг бошларида Тошкентда учрашган эдим. Суҳбатимиз Ўзбекистон ҳаётининг энг муҳим масалалари хусусида бўлди. Мен ҳукуматнинг бошқа баъзи аъзолари билан ҳам суҳбатлашдим. Бу учрашувлар мамлакатнинг замонавий тараққиётга ўтиш борасидаги тасаввурларимни янада бойитди.***

### ИЛК ТААССУРОТЛАР

Аслини олганда, биринчи таассурот деб ҳам бўлмайди. Ислом Каримов билан собиқ Иттифоқ халқ депутатлари съездларида учрашганмиз. Бироқ ўша пайтда мен у билан яқиндан танишиш имконига эга бўлмагандим. Ҳозир эса у, ёрдамчиларининг айтишича, менга тўрт соат вақт ажратди. Бизнинг гурунгимизни суҳбат, боз устига, интервью дейиш қийин. У қандайдир ўзига хос, чуқур фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Мен савол беришга улгуролмасдим. Президент фикрлари ўз-ўзидан қуйилиб келарди, гоҳо бир маромда, гоҳо жўшқин эди, нисбатан узоқ ўтмишдан бугунги кунимизгача бўлган турли масалаларни қамраб олганди. Баъзан ҳиссиётлар жўш урар, лекин асосан бу Ўзбекистонда Иттифоқ парчаланишидан олдин, кейин ва албатта сўнгги йилларда рўй берган воқеаларнинг аниқ-тиниқ, теран таҳлили эди.

Мен совет Иттифоқи ва кўпгина республикаларнинг раҳбарлари, жумладан, Хрушев, Андропов, Горбачев, Ельцин, Шеварднадзе билан таниш эдим, бирга ишлашгандим ва улар тўғрисида ёзган эдим. Осиё давлатлари раҳбарлари — Мао Цзэдун, Дэн Сяопин, Индира Ганди тўғрисида ҳам ёзгандим. Мен улар қаторида Ислом Каримов қандай ўрин тутишини билишни жуда хоҳлардим. Зеро, у Евроосиё қитъасидаги ўзига хос ва сирли мамлакатлардан бирининг раҳбари, собиқ биринчи котиб, ҳозирги кунда Амир Темур, Улуғбек ва Навоий давлатининг меросхўри бўлган республика Президенти. Мен бу ўринда Президент ҳақида батафсил таърифтавсиф келтириб ўтирмай, ўзимга муҳим туюлган баъзи жиҳатларни таъкидламоқчиман, холос.

Авваламбор, у билимдон, интеллектуал даражаси юқори инсон.

Буни алоҳида таъкидлаётганимнинг сабаби шундаки, собиқ Иттифоқнинг аксарият раҳбарлари ҳокимият ва ҳукмронлик йўриғидан чиқмасди. Суҳбат асносида Ислом Каримов бир гапни қистириб ўтди:

"Мен партия мактабида ўқимаганман". Бу гапи билан у онги мафкуравий ақидалар билан заҳарланмаганини таъкидлаган эди. У рус мактабида ўқиган, Тошкент политехника институтини тамомлаган. Кейинчалик авиация корхонасининг оддий ишчисидан раҳбарлик лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган. Шундан сўнг Госпланда ишлаган, иккинчи олий ўқув юрти — Халқ хўжалиги институтини тугатган, диссертация ҳимоя қилган. Иқтисодиёт унга энг яқин ва қизиқарли соҳасига айланди, чунки у ўз салоҳиятини бу соҳада тўлароқ намоён эта оларди. Ўша пайтларда Ислом Каримов партия ишига ўтиш тўғрисида ўйламасди, аммо ўзи ҳам кутмаган ҳолда Қашқадарё областининг биринчи котиби этиб сайланди (тайинланди). Нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиёни алғов-далғов қилиб юбориши мумкин бўлган Фарғона фожеасидан кейин эса уни Ўзбекистон марказий қўмитаси биринчи котиби этиб сайлаш масаласи кўтарилди.

Бу одатдаги технократнинг таржимаи ҳоли. Шўро даврининг ўзига хос арбобларидан бири Алексей Косигин фаолияти бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Яна бир эътиборли жиҳати шундан иборатки, Президент русча таълим олган. Биз бу омилнинг аҳамиятини керагича англаб етмаяпмиз. Гап шундаки, ҳозирда собиқ совет республикаларини рус тили ва рус маданиятини яхши биладиган одамлар бошқармоқда. Мен Ислом Каримовдан қайси тилда фикрлайсиз, деб сўрадим. У маънавият ва маънавий қадриятлар ҳақида ўйлаганда ўзбекча фикрлашини, иқтисод, экология, сиёсат масалаларига жавоб излаганда эса русча мулоҳаза юритишини айтди. Икки тилли маданиятнинг бундай кўриниши, эҳтимол, собиқ шўро меросининг мақбул томонидир. Балки улар шундай мактабни ўтаган раҳбарларнинг сўнгги авлодидир.

Шу билан бирга, Ислом Каримов — ғоят миллатпарвар раҳбар. У ўз мамлакатининг буюк аждодлари маданиятини шунчаки севибгина қолмай, уни чин юракдан ардоқлайди. Мен унинг ташаббуси ва лойиҳасига кўра бунёд этилган Темурийлар даври тарихи музейини томоша қилдим. Бу Ўрта Осиё Уйғониш даври меъморчилик анъаналари ва замонавийлик ажойиб бир тарзда уйғунлашиб кетган ёдгорликдир. Олий Мажлиснинг миллий услубда қурилган гўзал биносига эса Корбюзье давридан қолган қутида жойлашган Россия Давлат Думаси депутатлари ҳам ҳавас қилишлари мумкин.

### ЙЎЛБОШЧИНИНГ ТУҒИЛИШИ

Бироқ асосий гап бунда эмас. Ислом Каримов — ҳақиқатан ҳам, ўз республикасининг мустақиллиги йўлида курашган, давлат ва халқ тақдири учун бор масъулиятни ўз зиммасига олган шўро раҳбарларидан бири.

Ундаги ўзига хос ғурур, орият ва арбоблик салоҳияти, шу билан бирга, метин ирода ва қатъий феъл-атвор Ислом Каримов ва унинг фаолияти билан яқин танишувда яққол кўзга ташланади. Шу ўринда фақат баъзи ҳолатларнигина эслатиб ўтмоқчиман.

1989 йилнинг баҳорида Ўзбекистоннинг биринчи котиби лавозимига "тавсия" қилиш учун (у пайтда шундай дейиларди) Ислом Каримовни КПСС Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси мажлисига таклиф қилишди. Дастлаб масала ҳал этилгандек эди. Лекин кутилмаганда мунозара бошланиб кетди. Биров унинг отасини эслатди, кимдир очиқдан-очиқ шубҳа билдирди. Шунда Ислом Каримов шартта ўрнидан туриб: "Масала ҳал этилмаган экан, кетишга рухсат беринг", деди. Мажлисдан рухсатсиз чиқди-да, Тошкентга учиб кетди. Шунга қарамай, бир неча кундан кейин Сиёсий бюро ижобий қарор қабул қилди. Фарғона воқеаларидан кейин қаттиққўллик билан тартиб ўрнатадиган раҳбар керак эди.

Ўзбекистоннинг янги раҳбарининг феъли аслида қандай экани шўро давридаёқ намоён бўлди. Ислом Каримов Фарғона воқеалари Москвада тахмин қилишганидек, миллатчилик билан эмас, балки Ўзбекистон халқи, авваламбор, деҳқонларнинг оғир турмуш шароити билан боғлиқ эканини тушунган эди. У пайтда аҳолининг ўсиш суръати 3,5 фоизни ташкил этган бўлса-да, қишлоқ тобора қашшоқлик ва умидсизлик botқоғига ботиб борарди.

Республикада 4 миллион гектар экин майдони, яъни суғориладиган ер мавжуд бўлиб, 95 фоиз қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирилар эди. Ўша вақтда қишлоқда 8 миллион аҳоли истиқомат қилар ва 270 минг гектардан иборат томорқа туфайлигина рўзғор тебратарди. Ислом Каримовнинг илк мустақил қадамларидан бири шу бўлдики, у ўз шахсий қарорига биноан деҳқонларга яна 350 минг гектар ерни томорқа учун ажратди. Бу 1990 йилнинг баҳорида рўй берди. Албатта, бундай қарор КПСС Марказқўмидагиларга ёқмади, Ўзбекистондан хатлар ёғила бошлади. Кейинроқ маълум бўлишича, ўша даврда Ислом Каримовни "ўзбошимчалик" учун ишдан олиб ташламоқчи бўлишган. Бироқ, Михаил Сергеевич айтганидек, жараён жўнашиб кетган ва энди уни тўхтатиб бўлмасди.

Ислом Каримов учун ҳам, бутун Ўзбекистон учун ҳам энг муҳим қарор 1990 йилнинг 26 мартида қабул қилинди. Михаил Горбачев СССР Олий Совети томонидан президент этиб сайлангач, Ислом Каримов худди шу тарзда Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).

## Янги корхона иш бошлади

***Тошкент вилоятининг Чиноз туманида "Чиноз тўқимачи ЛТД" Ўзбекистон — Туркия — Япония қўшма корхонаси ишга тушди.***

Шу муносабат билан бу ерда корхонанинг халқаро тақдимот маросими бўлди. Маросимда тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиздаги элчихоналар ва дипломатик корпус вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимни вилоят ҳокими У.Мирзақулов очди.

"Ўзбекенгилсаноат" давлат уюшмаси Туркиянинг "Бурсел" ҳамда Япониянинг "Мицубиси Корпорейшн" фирмалари билан ҳамкорликда барпо этган мазкур қўшма корхонанинг умумий лойиҳа қиймати 63,194 миллион АҚШ долларига тенг. Унинг қурилишига Япония халқаро ҳамкорлик банкининг 44,962 миллион долларлик кредити жалб этилди. Янги корхона йилига 5 минг 300 тонна юқори сифатли калава ҳамда 2 минг 500 тонна трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотнинг аксарият қисми хорижга экспорт қилинади. Энг муҳими, ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерда 430 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

Бугунги кунда Тошкент вилоятининг ўзида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар сони 160 тадан ошиб кетди. "Кобул-Ўзбек" компаниясининг Тўйтепадаги қўшма корхонаси муваффақиятли ишламоқда. Вилоятда пахтани қайта ишлаш бўйича иккинчи йирик лойиҳа ҳисобланадиган "Чиноз тўқимачи ЛТД" корхонаси ҳам мамлакатимиздаги осойишталик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг натижаси ўлароқ муддатидан олти ой илгари қуриб ишга туширилди.

"Чиноз тўқимачи ЛТД" қўшма корхонасининг очилиш маросимида Бош вазир Ў.Султонов сўзга чиқди.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



СУРАТДА: янги қўшма корхона цехида.
Д. ЮСУПОВ олган сурат.

## ЖАҲОЛАТ ХУРУЖИ

Ўтган куни Америка Қўшма Штатларининг марказий шаҳарларига қилинган террорчилар хуружи бутун дунё аҳлини даҳшатга туширди. Инсоният закосининг маҳсули бўлган иккита 110 қаватли Жаҳон савдо маркази биноси лаҳзалар ичида одамлар кўз ўнгида харобага айланди. АҚШ мудофаа вазирлиги — Пентагон биносининг бир қисми, Манхеттендаги бир қанча кўп қаватли иншоотлар вайрон бўлди. Минглаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди.

Бугунги кунда дунёдаги ўнлаб мамлакатлар диний экстремизм ва терроризм офатидан азоб чекмоқдалар. Ҳиндистон, Туркия, Исроил, Миср ва бир қатор Европа мамлакатларида ҳам бу мавзу ниҳоятда долзарб. Айрим давлатларнинг белгилаган чора-тадбирлари, саъй-ҳаракатлари, афсуски, кўнгилдагидек самара бермаяпти. Чунки терроризм бугун халқаро миқёс касб этди. Қўпорувчилик ҳаракатларини бошқарадиган халқаро марказлар вужудга келди.

(Давоми 2-бетда).

# ЮЛДУЗЛАРНИНГ «ЮНУСОБОД»ДАГИ ЮЗЛАШУВИ

## муросасиз баҳсларга бой бўлмоқда



Давид Сангунетти. Италияда туғилган бу спортчи ҳозирда Монакода истиқомат қилади. 29 ёшли Давид 1993 йилдан бери профессионал теннис билан шуғулланади. Ана шу давр мобайнида 995 минг 763 АҚШ доллари миқдорида пул ишлаган. Ўнг қўли билан ўйнайди. Бўйи 188 сантиметр бўлиб, вазни 75 килограмм.

Ўтган йили "Президент кубоги"да илк бор қатнашган Д.Сангунетти барча рақибларини доғда қолдириб, финалгача етиб келди. Ҳатто Евгений Кафельников сингари теннис юлдузи ҳам унинг ҳал қилувчи учрашув сари ташланган шиддатли одимларини тўхтатиб қололмади. Финал кечасида Давид Марат Сафинга қарши кортга чиқди. Стадионга йиғилган минглаб мухлислар ажойиб баҳснинг гувоҳи бўлишди. Аммо бу сафар Сангунеттидан омад юз ўгирди. Ана шу зафардан кейин дунё теннисининг тожини кийган Марат икки сетда (6:3, 6:4) ғалаба қозонди.

Албатта, Д.Сангунетти ҳақида батафсил тўхталаётганимиз бежиз эмас. Айнан мана шу катта ракетка устаси билан кеча ҳамюртимиз Олег Огородов баҳс олиб борди ва тенг курашлар остида ўтган қийин ўйинда икки сетда муваффақият қозонди. Ўзбекистонлик ишқибозларни хушнуд қилган Олег кейинги босқичда даниялик Кристиан Плесс билан баҳс бойлайди.

Кечаги куннинг яна бир қизиқарли учрашуви Ксавье Малисс (Бельгия) ва Парадом Шричапан (Таиланд) ўртасида кечди. Биринчи сетда кутилмаганда Ксавье ҳеч қийинчиликсиз (6:2) ғалаба қозонди. Ана шундан сўнг таиландлик теннис юлдузининг маҳорати намоён бўла бошлади. Натижада қолган икки сетда рақибини доғда қолдириб, кейинги босқичга йўлланма олди.

Арманистонлик Саргис Саркисян бир неча йилдан бери "Президент кубоги" беллашувларида иштирок этиб келади.

— Ҳар сафар катта мамнуният билан Тошкентга ташриф буюраман, — дейди у биз билан суҳбатда. — Ўзбекистонга келсам, ватанимда юргандай ҳис қиламан ўзимни. Одамларингизнинг қанчалик меҳмондўстлигини бутун дунё билади. Мусобақанинг ташкилий томонларига эса гап йўқ. Биласизми, мен бўш вақтларимда китоб ўқиш ва гольф ўйнашни яхши кўраман. Тошкентда ҳам гольф клуби фойдаланишга топширилганини эшитиб хурсанд бўлдим. Бир бориб кўриш ниятидаман.

Саргис дастлабки ўйинннни Жулиен Бутер (Франция)га қарши ўтказди. Қизиқарли учрашувни кузатган мухлислар арманистонлик спортчининг икки сетдаги (6:4, 6:4) ғалабаси ва тўп узатишдаги маҳоратининг шоҳиди бўлишди.

Ва ниҳоят, томошабинлар кеча "Президент кубоги"нинг сўнгги йиллардаги доимий иштирокчиларидан бири Марк Россе (Швейцария)нинг чиройли ўйинларини кузатишга муваффақ бўлдилар. Хорватиялик Иво Карловични икки сетда (7:6(3), 6:3)мағлуб қилган Россе 31 ёшда. 1988 йилдан буён профессионал теннис билан шуғулланиб, шу давр ичида 6 миллион 135 минг 419 АҚШ доллари миқдорида сармояга эга бўлган. АТП рейтингида 9-ўрингача кўтарилган (11.09.95). "Президент кубоги"даги энг яхши натижаси 1997 йилда қайд қилинган. Марк шу йили финалгача етиб келиб, ҳал қилувчи баҳсда Тим Хенман (Буюк Британия)га имкониятни бой берганди — 7:6(2), 6:4.




Кеча, шунингдек, саккизинчи турнирнинг ғолиблигига даъвогарлик қилаётган Е.Кафельников ва М.Сафинлар ҳам кортга чиқишди. Уларнинг натижаси билан газетамизнинг кейинги сонида танишишингиз мумкин.

Теннис юлдузларининг "Юнусобод"даги юзлашуви 16 сентябр куни ниҳоясига етади.

**Озод БЕК,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

*"Йилнинг энг яхши дарслиги" танловига*

# Доришунослар учун янги қўлланма

Олий ўқув юртлари учун «Фармокогнозия» фани бўйича сўнгги йилларда биронта ҳам ўзбек тилида дарслик чоп этилмаганди. Бу фан бўйича шуғулланадиган ўқитувчилар ва талабалар асосан 1991 йилда чоп этилган «Фармокогнозия» дарслигидан фойдаланиб келишарди. Айтиш лозимки, ўтган вақт давомида барча соҳалардаги сингари бу фанда бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Ўз навбатида, мазкур дарсликдаги кўпгина тушунчалар бугунги кун талабига жавоб бермай қолди. Шуларни ҳисобга олган олимларимиздан Ҳ. Холматов ва Ў. Аҳмедовлар амалда фойдаланиб келинаётган "Фармокогнозия" дарслигини янги таҳрирда тайёрлашиб, уни қайтадан нашрдан чиқаришди.




Ушбу дарсликнинг аввалгисидан фарқи шундаки, унда ўз қимматини йўқотган ва четдан келтириладиган кўпгина доривор ўсимликлар ўрнига юртимизда ўсадиган шифобахш ўсимликлар номи киритилди. Шунингдек, айримларининг номлари ўзгартирилиб, баъзиларини эса қайтадан номланди. Бундан ташқари, китобга сўнгги йилларда бу соҳада эришилган ютуқларга ҳам кенг ўрин берилган.

Ушбу янги китобнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, у фармацевтика институтлари учун провизорлар тайёрлашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилиши билан бир қаторда фармацевтика институти, агробиотехнология, аэроэкология, тиббиёт коллежлари ўқувчилари ва дорихона мутахассислари учун ниҳоятда қўл келади.

Шу жиҳатдан олганда, "Фармокогнозия" дарслиги нафақат талаба ва мутахассислар учун, балки доривор ўсимликлар хомашёсини йиғувчилар учун ҳам муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2815, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 2.10
1 2 3 4 5 6

*Миллионлар ўйини*

# «Тўп тепишга уялмайсанми?»

## Йўқ, энди бу ақида эскирди

Навбаҳор туманидаги қуйи бешработликларни кўпчилик «спортчилар маҳалласи» дейишади. Аслида бу ердан номдор спортчи чиққан эмас. Лекин спорт билан ошно бўлмаган киши кам. Айниқса, болалар футболга шунчалик ўчки, уларни кузатавериб катталару фахрийлар ҳам жамоа тузиб олишган.



— Спорт билан шуғулланиш ҳар бир инсоннинг зарур юмушига айланди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Норим Йўлдошев. — Эндиликда ота-оналар ўсмир ёшидан ўтган йигитга «бас қил энди, катта бўлиб қолдинг, тўп тепишга уялмайсанми?» демайди. Аксинча, болаларининг тўп билан ошуфта бўлишини хоҳлашади. Шаҳарга тушганда, хилма-хил коптокларни харид қилишни фахр деб билишади.

Бир сўз билан айтганда, катта-ю кичикнинг спорт билан ошноланиши шунчаки эрмак эмас, балки соғлом авлод, баркамол инсонни камол топтириш омили экани аёнлашди. Маҳалла ҳудудидаги 2 та ўйингоҳ ҳар куни гавжум. Кунора бирор тадбир уюштирилади.

Маҳалланинг 9-10 ёшли, 11-13 ёшли ва 14-16 ёшлилардан иборат футбол гуруҳлари туманда кўпчиликка таниш. Учала команда ҳам «Маҳалламиз болалари» спорт дастури асосида ўтказилган беллашувларнинг туман миқёсидаги ғолиби. 9-10 ёшлилар гуруҳи эса вилоятнинг юздан ортиқ жамоалари орасида ўзини кўрсатди. Вилоят чемпиони сифатида Нукус шаҳрида ўтказиладиган республика мусобақасига йўл олди.

— Спорт билан жиддий шуғулланадиган болалар кучли, саботли, чидамли бўлишлари, дарсларни ҳам осон ўзлаштиришлари ҳеч кимга сир эмас, — дейди гуруҳ жонкуярларидан бири Бурҳон Бобоноров, — Азиз Баҳронов, Фазлитдин Усмонов, Лазиз Абдуллаев, Феруз Сафаров сингари тўпуварларимиз келажакда, албатта, катта футболга қўшилишади.

Маҳаллада футболдан ташқари шахмат-шашка, ўзбек кураши, баскетбол, волейбол, теннис каби спорт турларининг ўз ташкилотчилари, оташин ишқибозлари, ўйинчи-мухлислари бор. Бир қатор турлар бўйича улар туман ғолиблари ҳисобланишади. Шунданми, кўпчилик маҳаллага ҳавас билан қарайди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Маданий бойликларимиз ўзимизники

Божхона хизмати матбуот бўлимининг маълумотига кўра, сўнгги уч-тўрт йил ичида республикадан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетишдан сақлаб қолинган ноёб буюмларнинг кўпи музей фондларини бойитмоқда. Улардан 51 таси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат адабиёт музейига, 23 таси республика амалий санъат музейига, 35 мингга яқини эса Ўзбекистон тарихи Давлат музейига топширилган. Ўзбекистон Давлат санъат музейига ҳам ана шундай осори атиқаларнинг 1500 дан ортиғи топширилган бўлиб, шулардан 600 га яқини куни кеча бўлиб ўтган кўргазмага қўйилди.

Таъмирдан чиққан ва биринчи марта кўргазмага қўйилажак музей экспонатлари ҳақида Ўзбекистон Бадиий академиясининг раиси Турсунали Қўзиев, республика маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Эрназаровлар илиқ фикр билдирдилар. Кўргазмада божхоначилар томонидан олиб қолинган миллий зардўзлик буюмлари, қадимий безак-тақинчоқлар, дўппи, сўзана, кумуш идиш-товоқлар, шунингдек, гиламлар, тасвирий санъат асарлари намойиш этилди. Айниқса, божхоначилар хизматидан лавҳалар киши эътиборини ўзига тортади.

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*«Халқ сўзи» почтасидан*

# НАШРНИНГ МАВҚЕИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

**Ўқимоқчи бўлган газетангга бир йил олдин тўлов тўлаб қўйишни биз «обуна» деб атаймиз.**

**Обуна бўлганингдан сўнг газета тарқатувчи ўша нашрни вақтида уйингга олиб келиб берса хўп-хўп. Лекин, сен ўйлаганингдай бўлиб чиқмаса-чи? Бир кун, гоҳида бундан ҳам кеч келтирса-чи? Табиийки, эскирган газетани ўқигинг келмайди.**

**Шунинг учун мен газетани дўкондан сотиб олишни хуш кўраман. Газета сотадиган дўконлар эса бизда жуда кам. Борлари ҳам шаҳарнинг холи жойларида.**

**Мен, масалан, «Халқ сўзи»нинг мухлисиман. Ишхонам пойида ёки бозорда дўкон бўлсаю, шу газетани ҳар куни сотиб олсам, дейман. Афсуски, бунга ҳар доим ҳам эришавермайман.**

**Фикримизча, газетанинг мавқеи унинг чакана савдода қандай сотилиши билан белгиланади. Айтмоқчиманки, газеталар чакана савдога кўпроқ чиқарилса. Агар шундай бўлса, газета ўз вақтида етиб келади, деб ўйлайман. Ана шунда биз каби муштарийларга қулай бўларди.**

**Бўрон ҲАЙДАРОВ,**
**Жарқўрғон туманидаги 48-автокорхона хизматчиси.**

*Йўл ҳаракати қоидаларини мукаммал билиш ҳаётимизда учраши мумкин бўлган айрим фожиаларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу боис ҳам Андижон вилояти ИИБ ДАН бошқармаси ходимлари ўсмирлар, хусусан, ўқувчи-ёшлар ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш борасида турли кўрик-танловлар, мусобақалар ташкил қилаётир. Бу ишда бошқарманинг тарғибот гуруҳи ходимлари алоҳида ғайрат кўрсатишмоқда.*




Суратда: бошқарманинг тарғибот нозири, милиция капитани Мавлудахон Насриддинова ҳаваскор автоинспекторлар билан.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Қилмиш-қидирмиш*

***Нафс деган жар иродаси бўш инсондан бир қадамгина нарида бўлар экан. Ўша қалтис қадамни қўйдингизми, вассалом: ўша ўпқон, ўша тубсиз жар сизни ўз комига тортиб, инсонлик шаъну шавкатингиз, ор-номусингиз, ғурурингизни куйдириб кул қилади.***



# ТУЯНИ ҲАМ ТИРИКЛАЙ ЮТИБ...

Эндигина 23 ёшга кирган, ҳаёт деган мураккаб, аммо азиз манзил остонасига қадам қўйган, навқирон йигит Аббозбой Тўлековнинг нафси ҳакалак отгани боис қисмати айнан шундай бўлди.

Кегайлидаги «Халқобод» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида раҳбар бўлиб ишлаган моҳир ташкилотчилардан бир қанчаси эл юкини елкасига олган сарбонлар бўлиб етишишган. Жамоанинг ҳозирги раҳбарияти «Ақл ёшда эмас, бошда» деган ақидага амал қилиб, 2000 йили Аббозбой Тўлековни хўжаликнинг 1-сонли сут-товар фермасига мудир қилиб тайинлади, навқирон йигит жонини жабборга бериб ишлайди, чорвадорларнинг бошини бириктириб, маҳсулдорликни оширади, иқтисодни мустаҳкамлайди, деб ўйлади. Аммо улар чучварани хом санашган, «синалмаган отнинг сиртидан ўтишган» экан. Қинғир ишларга қўл урган мазахўр наинки ота-онаси, балки жамоанинг юзини ҳам ерга қаратди.

Энг аянчли томони шундаки, бу учар йигит ҳали ферма мудири бўлиб тайинланмасидан илгари, бригада бошлиғи лавозимини эгаллаб келганида, жиноятга қўл урган экан. Собиқ бригада бошлиғи 1999 йил кузида подачи Раметулла Саденовнинг уч ярим яшар, вазни 198 килограмм, давлат нархи 49500 сўм бўлган ўз новвосини Қалмурат Раметовга 10 минг сўмга пуллаб юборади: ўрага сичқон тушди, гулдур-гуп. Чўнтагига мўмай пул тушгач, Аббозбой оромини йўқотиб қўяди. Кўп ўтмасдан «хуфя харидори» Қалмуратни излаб топади.

— Қалай, оғайни? — дейди у. — Ўтган сафар бозоринг бароридан келдими?!

— Келганда қандоқ. Сўрайсану қўясанми? Ўша новвосдан нақд 4 минг сўм фойда кўрдим. Энди туя берсанг, тириклай ютаман, деб ўтирибман!

— Ҳали сен билан кўп туяларни ютамиз, дўстим!

Айнан шундай бўлди: нопок бригада бошлиғи шу тахлитда ферманинг 7 бош қорамолини гумдон қилди. Жарақ-жарақ пулларни ҳаромтомоқ шериклари билан бўлишаверди.

Пировардида, ферманинг ўша пайтдаги мудири Дуйсен Худойбергенов коса тагида нимкоса борлигини сезиб қолди, қорамолларни қайта рўйхатдан ўтказиб, йўқолганларини Аббозбой бошлиқ «тўда» «еб» қўйганини аниқлади. Аниқладигина эмас, нафс бандаларига ўша қорамолларни қайтариш талабини қўйди. Ёпиқлиғ қозон ёпиқлиғича қолишини истаган «уддабуронлар» 7 бош қорамолнинг ўрнини тўлдирдилар.

Шунда ўта ғаройиб воқеа юз берди: Дуйсен Худойбергенов ўз аризасига биноан ферма мудирлигидан бўшаганида бу масъулиятли лавозимга ким тайинланди, деб ўйлайсиз? Ўша туяни ҳам тириклай ютишга қодир бўлган Аббозбой-да!

2000 йили айёрликда маъмаман деган учарларни орқада қолдирадиган А.Тўлеков кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ўғирликлар қилди. Шу йил январ ойида — ўзи Уйланган никоҳ тўйи кечасида фермадан 264 килограммлик ғунажинни келтириб сўйди. Унинг ўрнига чўпон Саулат Пахратдинов озғингина новвосни бозордан келтириб қўшди.

Аббозбойнинг ўз тўйида жамоа хўжалигига қарашли қорамолни сўйдиргани эшитган қулоқни ранжитиши, табиий. Лекин кўп ўтмай бувиси қазо қилганида ферманинг 184 килограммлик яна бир новвосини «ўзиники» қилиб сўйдирганига нима дейсиз?!

Аббозбой қанчалар устомон, устасифаранг бўлмасин, якка ўзи ялпи вазни 2399 килограмм, давлат нархи 600 минг сўм бўлган 14 бош қорамолни «ҳазм» қилиб юбора олмас эди. Бу борада унга ферма чўпонлари Арзиубой Утемуратов, Шамшет Даулетияров, Саулат Пахратдинов, Қууатбой Қалменов, отаси Эшбой Тўлеков, таниши Қалмурат Раметовлар «қўшқанот» бўлишди.

Жиноят аниқланганидан кейин туман прокуратураси тегишли йўсинда жиноий иш қўзғатди. Суд жиноятчи устидан одил ҳукм чиқарди.

Айни чоғда, ёшгина бу йигитнинг қинғирликлари хусусида ўйласангиз, саволлар кетидан саволлар туғилаверади. Нега унинг атрофида бўлганлар ҳали жиноят палак ёйиб кетмасидан олдин йигитчанинг ҳакалак отган нафсига тушов солмадилар? Нега бригада бошлиғи лавозимида ишлаганида 7 бош қорамолни «даф» қилганини кўра-билатуриб, уни ферма мудири вазифасига «кўтардилар», танобини тортиб қўйиш ўрнига амал билан «сийладилар»?! Тегишли муассасалар, лавозимли шахслар бу саволлар устида пичагина бош қотиришса, фойдадан холи бўлмас эди!

**Пўлат САМАМБЕТОВ,**
**Кегайли тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси,**
**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Биринчи даражали*

**MAKSIMA**

*салони буюртма бўйича Италия, Испания, Польшадан келтирилган* ЮМШОҚ, УЙ-ЖОЙ, ОШХОНА

**МЕБЕЛЛАРИ**

*ҳамда*

*РАСМЛАР, ҚАНДИЛЛАР, ЁРИТГИЧЛАРНИ*

*таклиф этади. Дид билан ишланган дизайн асосида каталог бўйича уйингизни жиҳозлаб берамиз. Ўзбекистон бўйича элтиб ҳамда йиғиб берамиз.*

*Манзилимиз: Фурқат кўчаси, 5.*
*Тел. (371) 144-27-15.*
*Дам олиш кунисиз ишлаймиз.*




4044

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳайъат аъзолари ва жамоаси Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш маркази директори А.Каримовга отаси

**Шоди КАРИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси немис тили грамматикаси ва тил тарихи кафедраси мудири, доцент М.С.Сатторовга волидаи муҳтарамаси

**Ойчучук ая ЙЎЛДОШЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзтелерадиокомпания» жамоаси Республика радиосининг диктори Барно Юсуповага падари бузруквори

**БИРЛАШГАН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.